ОЛМОНИЯДАН ҚҮЛЁЗМАЛАР РЎЙХАТИ

САМАРҚАНД. Ўзбекистон Фанлар академияси археология институтининг докторанти Амриддин Бердимуродов Олмонияда бир ойлик сафарда бўлди. У хорижлик ҳамкасблари билан ўзаро фикр алмашди. Ўзбек қадимшуносларининг ютуқлари ҳақида сўзлади. У Олмония музей ва кутубхоналарида сақланаётган ноёб қўлёзма, китоб ва ҳужжатлар билан танишди. Айниқса, Амир Темур ва темурийлар даврига оид ўнлаб қўлёзма ва миниатюра асарлари рўйхатини олиб келишга муваффақ бўлди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ..

СЎЗАНАДА ИСТИҚЛОЛ ТИМСОЛИ

АНДИЖОН. Шаҳрихонлик хунармандлар қўлидан чиққан бешик, пичоқ ва нақшинкор курси ҳамда тўн, дўппи каби ўнлаб буюмлар эътибор топмоқда. Айниқса, моҳир попопчи Маҳсумахон Қорабоева тайёрлаган сўзана "Беш ёшинг муборак, мустақил мамлакатим" деб номланган бўлиб, истиқлолнинг ўзига хос тимсолига айланган.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

"Шарқ гули" ҳиссадорлик жамиятида сўзана, чопон, ёстиқ жилдлари ва бошқа миллий либосларга алоҳида эътибор билан қарашади.
Суратда: тикувчи Нафиса Обидова. *Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.*

УЗОҚЛАРИ ЯҚИН БЎЛДИ

НУКУС. "Йўловчилар" қўрғонида янги АТС қуриб битказилди. Ҳозирча бу станция ёрдамида 400 телефонда алоқа хизмати кўрсатиш мумкин. Бу ерда шаҳарлараро сўзлашув тармоғи ҳам фаолият кўрсатмоқда. 9-АТСнинг 1000 хонадонига хизмат кўрсатишни таъминлаш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ВИЛОЯТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрида вилоят телевидениеси ўз кўрсатувларини бошлади. Ҳафтанинг ҳар якшанба куни бир соат мобайнида вилоят теледастури бўйича кўрсатувлар амалга оширилмоқда. Янги йилдан бошлаб бундай кўрсатувларни икки баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

Гарчи қор ёғмаган бўлса-да, пойтахт кўчаларида Қорбобо ўз совғаларини кичкинтойларга улашишни бошлаб юборди.
Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 21 декабрь, шанба № 162 (22.083).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев шу йил 24-25 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

БУГУНГИ ВАЗИФА – ЭРТАНГИ ЁРУҒ ҲАЁТИМИЗГА ЗАМИН ЯРАТИШДИР

Юртбошимизнинг Бухоро вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи барчамизни ана шу эзгу ният йўлида сабот билан меҳнат қилишга даъват этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИСИ» ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУБОГИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Юксак спорт маҳоратини янада оширганликни рағбатлантириш, Ўзбекистоннинг энг юқори натижаларга эришган спортчиларини тақдирлаш мақсадида, шунингдек, ёш авлодни халқаро спорт майдонларида мамлакатни машҳур қилган ҳамда Ўзбекистон спортининг шонли анъаналарини янада бойитган энг яхши спортчилар мисолида ватанпарварлик ва Ватанга ҳақиқий садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият бериб Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Миллий олимпия қўмитасининг «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон миллий кубогини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон миллий кубоги тўғрисидаги низом ва республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.

3. «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон миллий кубоги билан мукофотлаш ҳар йили йил якуни бўйича ўтказилсин.

4. «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси 1997 йил 1 мартагача «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон миллий кубогини ва унинг нусхаларини тайёрласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йилнинг энг яхши спортчисига бериш учун Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига ҳар йили 10 (ўн) минг АҚШ долларига тенг миқдорда пул маблағлари ажратишни назарда тутсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 20 декабрь.

ИҚТИСОДДА ТАЖРИБА ВА БИЛИМ ЭГИЗАК!

Андижондаги «Коммунар» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси Шавкатбек Ҳасанов яқинда Германия машинасозлари иши билан танишиб, кўп нарсани ўрганиб қайтди. Жамоада эса кейинги пайтларда чет эллардан меҳмонларни кутиб олиш кундалик одат тусига кириб бормоқда. Булар меҳмонлар эмас, балки чет эл сармоядорларидир.

— Ишлаб чиқаришни эски тизимдаги пастдан юқорига, юқоридан пастга қараб режалаштириш, моддий бойликларни фақат юқоридан туриб бўлиш усуллари нақадар нобоп эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, — дейди у. — Ишлаб чиқариш алоқалари, уни режалаштириш фақат горизонтал чизиқ бўйича — бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг бозор эҳтиёжига қараб амалга ошириш усули бозор иқтисодиётининг асосидир.

Бугун инсон тафаккурини янгилаш учун унинг маънавий савиясини кўтариш, фарзандларимизни ёшликдан ўқитиш-тарбиялашга эътиборни кучайтирмоқ керак. Токи ҳар бир инсон жамият учун энг зарурлигини, ундан жамиятга фақат фойда тегишини ва ҳалол ишлаб топгани фаровон ҳаёт кечиришининг асоси эканини ҳам англаб етмоғи лозим. Ана ўшанда ҳар бир инсон фақат меҳнат қилишни ўйлайди, ўзлигини намоён қилишга бор куч ва қобилияти билан ҳаракат қилади. Германияда ишсиз қолган инсондан кўра бахтсизроқ инсон йўқ экан. Чунки унда фаровон ҳаёт кечириш учун маблағ қолмайди, бинобарин, у ўзини маънавий намоён қила олмайди ҳам.

Авваламбор ҳар бир инсон «Ўз ишининг моҳир устаси!» деган номга эришиш учун курашмоғи зарур. Комил инсон бўш вақтини ўқишга- ўрганишга, хоҳ илмга, хоҳ ҳунарга бўлсин, тўла бағишламоғи керак. Баъзи ёшлардаги қусур — лақмалик қилиб ўтиришлар, бемақсад ва кимларнингдир қўлида «ўйинчоқ» бўлишлардир.

Корхонамизда яқин келажакда бир неча қўшма корхоналар ташкил этишни режалаштирямиз. Ниятимиз ижобат топади ҳам! Шу асосда ўрнатилган янги, илғор технология ва юқори ишлаб чиқариш маданияти жорий қилинади. Шу асосда жамоамиз турмуш даражаси ошади.

Ютбошимизнинг «Бугун кун ўтса бас — эртага худо пошшо, деб қачонгача юрамиз?!» деган пурмаъно сўзлари ҳар биримизга бугун қўл қовуштириб ўтирмаслик зарурлигини англатади!

Муҳаббат ОТАМИРЗАЕВА.

ЎЗ НАФСИНИ ЎЙЛАГАН РАҲБАР...МИ?

Қуйи Чирчиқ туманида Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли ёрдамчи хўжалик бор. Унда қилинаётган ўғрилик ва талон-торожлик ишлари тўғрисида ёзмоқчимиз. Ёрдамчи хўжалик бошлиғи Йўлдошев Зокирнинг касби аслида шофёрлик бўлиб, у қандайдир йўллар билан бундан 2-3 йил олдин шу хўжаликка эгалик қилиб олди. Отаси Қўлдошни фермага бошлиқ қилди. Укаси Носир кассир-экспедитор, кичик укаси эса шофёр. Отаси ёрдамчи хўжалик ҳисобидан ўз қорамоллари ва қўйларини, шунингдек, болаларининг моллари ни боқади. Бундан ташқари, хўжаликка қарашли қорамоллар бир йил давомида нечтаси болалади ва қанча сут соғиб олинди? Булар ҳақида ҳисоб-китоб қилинмаган. Мисол учун 1995 йили 7 гектар ерга ерёнғоқ, 42 гектар ерга шоли, 22 гектар ерга мош, 10 гектар ерга беда, 3 гектар ерга мева дарахти экилган бўлиб, ҳисоботда олинган ҳосил ва экилган гектар кам кўрсатилган. Ундан ташқари, баъзи бир одамларга асоссиз томорқа ери берилган. Бу билан, икки ярим гектар ер талон-торож қилинган. Боз устига бошлиқ ўзи учун 3,5 гектар жойга шоли, 1 гектар ерга ерёнғоқ ва 1 гектар майдонга мош экиб олди. Бошқаларга эса...

Хўжаликда шу йили 11,5 гектар ерёнғоқ, 32 гектар шоли, 22 гектар мош экилиб, ҳосили йиғиб олинди. Аммо олинган ҳосил ва экилган гектар ҳисоботда кам кўрсатилган. Шу ерда экин эккан меҳнаткашлар ҳар гектаридан 3800 килодан шоли олганлигини биламизу, бу ҳосиллар қаерга кетганидан ҳамма бехабар. Каттамиз фақат ўзини ўйлайди. Бизга келганда у ҳатто қишлоқ хўжалик экинларига техника етказиб бермайди. Деҳқонлар ўз ёнларидан пул сарф қилиб, техника сотиб олиб келиб ишлатади. Қишлоқ хўжалик ўгитларини ҳам тўлиқ бермайди...

Аҳоли ўтирган уйларни ҳеч бир таъмирламайди. Билмадик, у нега бу жойда ўтирибди?

А. ПЕРСТАНОВ, И. ИНОЯТОВ, Д. МУҲАМЕДОВ.

ДУНЁНИНГ БИР КУНИ

ВАШИНГТОН. Президент Билл Клинтон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннанга катта ишонч билдириб: «Биз бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг яқин 50 йилга мўлжалланган иш дастурини белгилаб олишимиз зарур. Мен Кофи Аннан бу улкан вазифани чуқур ҳис этишига ишонаман», деб баён қилди.

***

«ОЗОДЛИК» РАДИОСИ: Белоруссия чегарачилари Польша билан чегара ҳудудида тарқатиб юборилган Олий Кенгаш Раиси Семён Шарецкийни ушладилар ва ундан хорижий паспортни тортиб олдилар. Шанба куни Шарецкийнинг Польша сейми раҳбари билан хусусий учрашуви кўзда тутилаётган эди. Маълумки, унгача Польша сейми раҳбари кўп марталаб Белоруссия парламентини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фикрини билдирган эди.

***

«АМЕРИКА ОВОЗИ»: «Форбс» журнали Россиядаги таъсир доираси кучли бўлган кишилардан бири, бизнесмен Борис Березовский ҳақида мақола эълон қилди. «Кремлнинг чўқинтирган отаси» деб номланган мақолада Березовскийнинг унга ва бошқа олти кишига мамлакат иқтисодиётининг 50 фоизи тегишли, деган фикри келтирилади. «Форбс»нинг таъкидлашича, Березовский Россиядаги биринчи миллиардерлардандир...

«Бундай ёввойи капитализмни Америка ҳали билмайди. Агар Березовский ва яна 6 киши Россия иқтисодиётининг 50 фоизини назорат қилаётган бўлса, шундай бир савол туғилади: биз Россияга молиявий ёрдам кўрсатиб, ўзи кимларни қўллаяпмиз экан?» деб мақолани Американинг машҳур иқтисодчиси ва сиёсатшуноси Маршалл Голдманд шарҳлайди.

***

ПРАГА. Чехия мудофаа вазири Милослав Виборний мамлакатнинг бундан буён Россияда ишлаб чиқарилган қурол-яроғларни сотиб олиш нияти йўқлигини айтди.

Чехия собиқ СССР қарзлари эвазига Россиядан ҳатто бирорта милтиқ ҳам сотиб олмайди, деб таъкидлади у.

***

СТОКГОЛЬМ. Швеция парламенти 500 нафардан зиёд швециялик ҳарбийларнинг Босниядаги тинчликни таъминлаш кучлари таркибига киритилишини маълум қилди.

Бунинг учун Швеция ҳукумати 399 миллион швед крони миқдорида маблағ ажратади.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 1996 йил 26 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 25 декабрь куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

24 декабрь соат 12.00 да Олий Мажлисда «Ватан тараққиёти» партияси фракциясининг мажлиси бўлади, шу куни соат 17.00 да «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг мажлиси ўтказилади.

25 декабрь соат 10.00 да Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг мажлислар залида Халқ демократик партиясининг мажлиси ўтказилади, соат 12.00 да эса Олий Мажлисда ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки тўпланади.

МАЗАСИЗ МАҲСУЛОТ, МАНТИҚСИЗ ШИОР ЎТМАЙДИ

Президентимиз халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессиясида «Қачонгача энг керакли, кўпчилик истеъмол қиладиган озиқ-овқат ва бошқа товарларни четдан олиб келишга муҳтож бўлиб, ўзгаларга қарам бўлиб қоламиз?» деган ҳақли саволни қўйди.

Дарҳақиқат, бозорларимизда кўзни ром қиладиган маҳсулотлар кўпайди. Лекин...

Уйга дурустроқ конфет харид қилиш ниятида бозор айланамиз. Бозорда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда чиқарилган сўрғичлар, четдан валюта ҳисобига олиб келинаётган ширинликлар ғиж-ғиж. Қоғозлари турфа хил. Аммо, сўрғич конфетларни қоғозидан ажратсангиз, унга рангқоғоз ёпишади. Оғзингизга солмасдан таъбингиз хира бўлади. Шунда бир вақтлар дастурхонимизни тўлдирган «Лаззат» қандолатчилик фабрикаси маҳсулотларини эслаб лабимиздан сув томади. Назаримизда, ҳар қандай саноат шаҳобчаларини қуришдан олдин маҳсулот сифати бугунги ва эртанги бозорда синиб қолмаслигини ўйлащ керак.

Яна бир гап. Кўпчилик саноат, транспорт корхоналаридаги ҳурмат тахталарида ҳануз собиқ СССР герби, қизил беш юлдуз ёки ўроқ-болғага кўзингиз тушади. Мантиқ ва мазмунсиз эски шиорлардан ажабланасиз. Наҳотки, идора раҳбарлари хонасига кўз юмиб кириб, кўз юмиб чиқса...

Энди мазасиз маҳсулот, сифатсиз товар ва мантиқсиз шиорлар ўтмайди!

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

Миллат ва маънавият

ЮРАКДАГИ ОҒРИҚ

ёхуд маҳаллийчилик балосидан қачон қутуламиз?

Бир даврада гурунг кетарди. Мавзу айланиб келиб юртимиз келажагига тақалганда, «Миллатнинг юксалишидаги энг асосий омил — унинг фарзандлари онгидаги уйғониш билан белгиланади», деб қолди ўзини файласуф ҳисобловчи дўстларимиздан бири. «Кейинги йилларда биз эришган улкан сиёсий ва иқтисодий ютуқлар билан ҳар қанча мақтансак арзийди. Лекин онгимиздаги уйғониш билан-чи?» савол ташлади у. Бу ҳақда биров «зўр» деса, яна бошқаси «Бизда айни онгимиздаги ўзгаришлар жараёни секин кечаётганлиги» хусусида тортишиб кетишади...

Мени эса, бошқа савол қизиқтириб қолди. Хўш, онгдаги уйғониш нима билан белгиланади? Унинг мезони қандай? Бу саволларга ҳар ким ўз билганича жавоб қайтаради. Чиқарган хулосам шу бўлдики, онгдаги уйғонишни миллий бир бутунликка интилиш, миллий якдиллик мезони билан ўлчаш мумкин экан.

Хаёлимда яқингинада бўлиб ўтган яна бир суҳбат жонланди. Талаба дўстларимиздан бири туғилган кунига таклиф қилган эди. Озгина кечикиброқ бордим. Аллақачон «қизишиб» улгурган йигитчалар туғилган кун ҳақида эмас, бугун «ФАН»ни боплашгани хусусида мақтанишаётган экан. Уларнинг гапларини эшитиб ўтириб, очиғи, алам қилди. Талабалар кимнинг билими зўрлигини эмас, балки, «ФАН», «СурҚаш», «СамБух» ва яна алламбалолар ҳақида баҳслашаётгандилар. Мен уларга, уларнинг маънавий қашшоқликларига ачиндим. Алам ва ачиниш ҳисси юрагимда оғриқ уйготди.

— Ака, — деб қолди улардан бири. — Сиз нега ўзимизникиларнинг газетада чиқишларига ёрдам бермайсиз?

— Ўзингникилар кимлар? — сўрадим ундан.

— Қайси вилоятдан эканлигингизни ҳам унутиб қўйганмисиз дейман? — ўйлаб ўтирмасдан жавоб қайтарди у кўзларини лўқ қилиб. Энди юрагимдаги оғриқ оловга айланди.

— Нима, — сўрадим, — бошқа вилоятларда немислар яшашадими?..

Хуллас, туғилган кун кўнгилсизлик билан якунланди. Менга энг алам қилгани юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг дорилфунуннинг муқаддас остонасини ҳатлаган талаба, бўлғуси журналист, шеър машқ қилиб юрадиган, зиёли оиладан чиққан йигитчанинг шу даражада тубан фикрлаши бўлди. Эртага у ким бўлади? Ўзининг тақдири туташ миллатга нима қилиб беради?!

Қизиқ, бу маҳаллийчилик, уруғчилик, ошнаоғайнигарчилик деган касаллик бизнинг миллатимизга қачон юққан (ёки юқтирилган) экан? Ахир она заминимизни Чингизхон лашкарлари отларининг туёқлари остида топталишига айнан миллат парокандалиги сабаб бўлмаганмиди? Агар ўшанда ҳар шаҳар, қалъа, вилоят ўзини эмас, бир ёқадан бош чиқариб юртни ҳимоя қилганида мўғул босқинчилари тупроғимизга қадам қўя олмаган бўларди-ку? Мана, яқин тарихни эсланг, чор Россияси бостириб келганда ҳам бизга миллий бир бутунлик йўқлиги панд бермаганмиди? Наҳот бугун ҳам биз ўша хатолардан керакли хулосаларни чиқариб олмаяпмиз?! Тўғри, ота-боболаримиз билан ҳар қанча фахрланса, улардан ибрат олсак арзийди. Лекин керак бўлганда уларнинг хатоларидан хулоса чиқариш ҳам зарар қилмайди, назаримда.

Диёримиз мустақиллиққа эришди! Уни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди. Иқтисодиётимиз ҳам, кўз тегмасин, ҳамдўстлик республикалари ўртасида биринчилардан бўлиб юксалиш йўлига тушиб олди. Энди дўппини бир четга қўйиб, маънавиятимиз ҳақида ўйлайдиган вақт келди, шекилли. Биринчи навбатда онгимиздаги маҳаллийчилик деган унсурдан бутунлай халос бўлишимиз лозим. Мен навоийлик, сен тошкентлик ёки сурхондарёлик деган бўлмағур мезонни йўқотиб, БИЗ ЎЗБЕКИСТОНЛИКМИЗ дея баралла ҳайқиришимиз, юртимиз билан фахрланишимиз керак.

Агар ҳуқуқшунос бўлганимда қонунларимизга янги бир модда киритган бўлардим. Маҳаллийчилик қилган одам, ким бўлишидан қатъи назар миллатга қарши жиноят қилган ҳисоблансин ва шунга яраша жазога тортилсин! Тўғри-да, ўғри ўғрилик қилгани учун жазоланади-ку? Нега энди маҳаллийчилик қилган одам жазоланмаслиги керак? Ахир бу ҳам маънавий ўғрилик эмасми? Миллатга, Ватанга хиёнат ҳисобланмайдими?!

Ислом ҲАМРО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот ва масъулият

САБОҚЛАР АЧЧИҚ, БИРОҚ ФОЙДАЛИ

Юртбошимиз ўтган йили халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ишлаб чиқариш кўлами ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича воҳанинг мамлакатимиздаги салмоқли ўрни ҳақида гапириб, барча соҳаларни ислоҳ қилиш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш вазифаларини ўртага қўйган эдилар. Бу кенг кўламли вазифалар қандай амалга ошмоқда? Шундай саволлар билан мухбиримиз вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Озод Давронович ПАРМОНОВга мурожаат қилди.

①

Ҳудуди жаҳоннинг айрим мамлакатларидан йирикроқ бўлган воҳа ҳаётида ўтган йил охиридаги сессия шубҳасиз чуқур из қолдирди. Анжуманда улкан ер ости бойликлари ва деҳқончилик имкониятига эга вилоят тараққиёти ва келажаги билан боғлиқ масалалар муҳокама этилган, ютуқлар ҳам, йўл қўйилган камчиликлар ҳам рўй-рост айтилган эди.

Шундан буён бир йил ўтди. Гап бошланиб кетган муҳим ўзгаришлар ҳақидагина эмас. Энг муҳими, амалга ошаётган ишларнинг ўзига хос жозибасида. Ўнлаб чала қурилишларга қўл урилаётганлиги, йирик корхоналар ишга тушаётганлиги, далаларга мутлақо янги ва қудратли техникалар кириб келаётганлиги эртанги кунга нисбатан ишончни янада мустаҳкамламоқда. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига тайёргарлик кўриш ва қутлуғ тўйни ўтказиш давомида чексиз ифтихор туйғулари яққол намоён бўлди.

— Янги аср бўсағасида юртимизда кечаётган бемисл ўзгаришлар, халқимизга қайтаётган миллий қадриятлар билан фахрланар эканмиз, буюк бобомиз Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти, давлат тузиш, идора қилиш ва адолатни қарор топтириш борасидаги улуғ меросига қайта-қайта мурожаат қилаверамиз, — дейди вилоят ҳокими Озод Пармонов. — Президентимиз шу йилнинг 18 октябрида улуғ зот бешигини тебратган Шаҳрисабз шаҳрига «Амир Темур» орденини топшириш ва Соҳибқирон ҳайкалини очишга бағишланган тантанада эзгу тилакларимизни ифодалаб шундай дедилар: «Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир».

Улуғ зотларнинг иши ва руҳи ҳамиша барҳаёт. Қутлуғ тўй муносабати билан буюк бобомиз меросини ўрганар эканмиз, уларга келажак ҳақидаги орзу-ўйларимиз сингиб кетганлигини аниқ ҳис қилдик. У киши қурдирган кўплаб ёдгорликлар таъмирланди. Кўплаб корхоналар, қурилиш ташкилотлари биргаликда қарийб 580 миллион сўмлик ободончилик ишларини амалга оширдилар. Халқаро анжуманлар, кўрик-танловлар, халқ сайллари, спорт мусобақалари ўтказилди. Бир қанча янгича тадбирлар вужудга келдики, улар ёшларни улуғ Соҳибқирон бобомиз ибрати руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

— Ўтган сессияда ижтимоий соҳадаги қурилишлар, жумладан, аҳолини газ ва сув билан таъминлаш талабдан орқада қолаётганига эътибор қаратилган эди. Бу борада қандай ўзгаришлар юз бераяпти?

— Тинмай ўрганиш ва изланишгина чинакам тараққиётга етаклайди. Зеро, юртбошимиз айтганларидек, илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барака келтирадиган буюк муъжизадир. Демак, замонавий мактаблар, ҳунар масканлари, спорт ва маиший хизмат иншоотлари кўпайсин. Шу ўринда битта ибратли мисол. «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси Қарши шаҳридаги 320 ўринли боғчани компьютерлар, энг янги қўқ куроллари билан таъминлаб, гимназияга айлантириди. Фан асослари ва хорижий тилларни чуқур ўрганаётган ҳар бир қўқувчи учун ойига 3,5-4 минг сўм сарфланмоқда. Албатта, бу маблағ ҳавога совурилмаяпти, балки иқтидорли ёшларни ўқитишга ишлатилмоқда. Айни пайтда вилоятда 26 та гимназия ва лицей ташкил этилган. Бу йил олий ва махсус ўқув юртларидаги тест синовларида ёшларимиз юқори натижаларга эришганлиги, айниқса, қувончлидир.

Бу йил капитал қурилишда асосий фондлардан фойдаланиш режаси тўла бажрилди. Шаҳрисабз, Ғузор туманларида донни қайта ишлаш корхоналари биринчи навбати ишга тушди. Асосий эътибор ижтимоий қурилишларга қаратиляпти. Шу асосда 4740 ўринли мактаблар, 1070 бемор қатновчи шифохоналар, 90 ўринли боғча қурилиши тугалланди. Қарши шаҳрида «Меҳнат» уйингоҳи тўла таъмирланди. Замонавий теннис корти қурилиши давом этмоқда. Китоб туманида бундай теннис корти ишга туширилди.

Бироқ ҳали баъзи мактаб ва жамоалардаги уйингоҳлар талаб даражасида эмас. Деҳқонобод, Чироқчи ва Қамаши туманларидаги анча мактаб бинолари хароба аҳволда. Мамлакатнинг қарийб 90 фоиз гази қазиб чиқарилаётган вилоят қишлоқларини газлаштириш учун маблағ етишмаяпти. Аммо маблағ ҳам, имконият ҳам топишимиз керак. Чунки ҳаёт кутиб турмайди, муаммоларни четга суриб қўйишга ҳаққимиз йўқ!

②

— Хусусийлаштириш, тадбиркорлик-истиқболнинг тамал тошларидир. Юртбошимиз қайси корхонанинг хорижий шериги бўлмаса, келажаги ҳам йўқ, деган эдилар...

— Тараққиётнинг ҳозирги босқичида бу йўл изчил амалга ошмоғи ва юқори самара бермоғи лозим. Ҳозиргача вилоятда хусусийлаштиришнинг тармоқ ва маҳаллий дастурига киритилган 112 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Жами 539 объект кимошди савдоси орқали сотилди. Маиший хизмат шаҳобчалари 671 тага кўпайди. 17 та деҳқон бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Ўтган вақт мобайнида 1750 та хусусий деҳқон хўжалиги ва кичик корхоналар вужудга келди. «Бизнес-фонд» вилоят бошқармаси томонидан 161 та лойиҳа учун 174 миллион сўм кредит берилди.

Қўшма корхоналар 12 тага кўпайиб, 36 тага етди. Биргина «Ҳамкор-Фабрикс-Ўзбекистон-Покистон» қўшма корхонасининг таъсис фонди 300 минг АҚШ долларига тенг. «Машъал-Д-Россия-Ўзбекистон», «Ҳамкор-Трейдинг-Ўзбекистон-Покистон», «Радиатор», «АТ и КМП ЛТД» Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналари фаолиятига умид билан қараяпмиз. Айниқса, жаҳон бозорида пахтамиз серталаб. Қарши шаҳрида Туркия билан ҳамкорликда ишга туширилган «Қаштекс» тўқимачилик мажмуида 2000 киши иш билан таъминланиши баробарида, пахтамиз тайёр маҳсулотга айланиб чиқади.

Бундан ташқари қишлоқ инфраструктурасини такомиллаштиришнинг янаги асргача мўлжалланган дастурига кўра, кичик ва қайта ишлаш корхоналари бевосита қишлоқларда бунёд этилади. Оз вақт ичида Деҳқонобод туманида жунни, Баҳористон туманида сутни қайта ишлайдиган корхоналар қурилди. Касби туманида ҳорижлик ҳамкорлар билан консерва корхонаси қуриляпти. Бундай корхоналарни Шаҳрисабз, Китоб ва бошқа туманларда қуриш режаси тузилган.

Аммо барча корхона ва мулкни қўлига олган жамоа, ширкат ёки деҳқон хўжаликлари ҳам юқори самара билан ишлай олмаяпти. Хусусан, чорвачиликда олдинги йилларда тузилган ҳиссадорлик жамиятлари ўзини тўла оқламади. Натижада моллар тўёқ сони ва маҳсулдорлиги кескин камайиб кетди. Аччиқ тажриба шуни кўрсатмоқдаки, чорвачиликни тадбиркорлар қўлга олишмаса, тармоқни ривожлантириш қийин кечяпти.

③

— Гарчи анча маҳсулот етиштирилган бўлса-да, қишлоқ хўжалигида бу йил катта қийинчиликлар кўзга ташланиб қолди. Бунинг асл сабаби нимада?

Ҳақиқатнинг кўзига тик қараган ҳолда, табиий қийинчиликларни ҳам, йўл қўйилган хатоларни ҳам айтмоқ керак. Токи, келгусида уларни тузатайлик. Бу йил мўлжал қилинган 700 минг тонна ўрнига 334,7 минг тонна дон етиштириб, шундан 219,3 минг тоннасини давлат буюртмаси учун топширдик. Жами 375,4 минг тонна пахта етиштирилди ёки режа 89,4 фоиз бўлиб қолди.

Қурғоқчилик, гармсел, куз ва кўкламнинг ниҳоятда ноқулай келганлигини айтмасак ҳам бўлади. Оқибатда 72 минг гектар лалми майдонда ғалла битмади. Бунинг устига ўтган йили 20 минг гектар ерга ғалла кечикиб—декабрь ойида экилган. Қарийб 14 минг гектар майдонга сифатсиз уруғ сепилган. 45 минг гектар ердаги ғалла суғорилмасдан қолган. Қамаши, Чироқчи, Ғузор туманида каттакатта майдонлардаги экинлар сувсизликдан ривожланмай қолди.

Ана шундай мураккаб шароитда ҳам тадбиркорлик кўрсатган деҳқонларимиз тажрибасини ўрганмоғимиз лозим. Касби ва Шаҳрисабз туманларида ғалла ҳосилдорлиги 31,7 ва 30,3 центнерни ташкил этди. Аммо Баҳористон, Деҳқонобод, Муборак, Қамаши, Чироқчи туманларида ҳосилдорлик пасайиб кетди. Пахтачиликда эса, 60 минг тоннадан ошиқ ҳосил етиштирган касбилик пахтакорлар тажрибаси диққатга сазовор.

— Айримлар қарийб 20 фоиз пахта шахсан вилоят ҳокимининг қаттиқ туриши туфайли далаларда қолмай, териб олинди, деб ҳисоблайди. Бу фикрга қўшиласизми?

— Мана, энди ўзингизга савол: катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг анчаси терим машиналари етишмаётганлиги туфайли далаларда қолаётганлигини кўриб, юрагингиз ёнмасмиди? Ишончим комилки, ҳеч ким бундай тақдирда қўл қовуштириб ўтиролмайди. Шунинг учун пахта кам битган Чироқчи, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор, Қамаши туманидаги теримчиларни ҳосили мўл бўлган чўл туманларига ўтказдик. Бугун ҳосилни нобуд қилмай териб олишда пахтакорларимизга мададкор бўлган ҳашарчиларга чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

④

Ҳосил тақдири учун курашар эканмиз, фойдали хулосаларни чиқариб олдик. Биринчидан, шу пайтгача ғалла ва пахта жами суғориладиган 86 фоиз майдонни эгаллаган бўлиб, бошқа экинлар учун ажратилган ерларнинг бир қисми эса шўрланиб кетган. Бу йил ғалла майдонлари 25 минг гектарга қисқарди ва алмашлаб экишни қатъий жорий этиш имконияти кўпаймоқда. Иккинчидан, Муборак ва Косон туманларида катта ер майдонлари қаттиқ шўрлангани кузатилмоқда. Вилоятда мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар 35;3 минг гектардан ошиқ. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан шошилинч чоралар кўриш, сувдан тежаб фойдаланиш усулларини қўллаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Учинчидан, уруғчилик ва агротехникани такомиллаштириш талаби. Бу йил 60 минг тонна уруғни ўзимиз тайёрладик. Республика ҳукумати томонидан 3 минг тонна серҳосил уруғлик дон ажратилди. Бундан кейин пахта ва бошқа экинларнинг ҳам танланган навларини ўстиришимиз керак. Келгуси йилда камида 10 минг гектар майдонда андижонлик деҳқонлар тажрибаси асосида чигит плёнка остига экилади. Экинларни қийратаётган шамол йўлига иҳотазорлар барпо этиш ҳам долзарб вазифа бўлиб турибди. Кўриб турибсизки, олдинда қиладиган ишларимиз бисёр.

— Марказий бозордаги камчиликлар учун Қарши шаҳар ҳокимлиги танқид қилинди ва пул эмиссиясини камайтиришга эришганда эсатақдирланди. Буни қандай шарҳлайсиз? Умуман, ҳозирги воқеалар силсиласида қайси соҳалар қатъий ислоҳга муҳтож? Келажак ҳақидаги ўйларингиз ва муштарийларимизга тилакларингиз.

— Конституциямиз қабул қилинганига тўрт йил тўлиши муносабати билан ўтказилган йиғилишда Президентимиз 1997 йилни Инсон манфаатлари йили бўлиши ҳақида таклиф киритдилар. Зеро, демократик ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла кафолатланган давлат қуришимизда юрт ва фуқаролар манфаати узвийлиги ҳар нарсадан ортиқроқдир. Масалан, Касби туманида битта бригада ғаллакорлари шартномадан ортиқча маҳсулотни ўзлари олишди. Баъзи жойларда эса шартномада кўрсатилган маҳсулотни бермаслик учун қаттиқ қаршилик кўрсатилмоқда. Ёки Қамаши туманидаги «Қорабоғ» хўжалигида бюджетдан нафақа учун ажратилган 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ солиқ учун қайтариб олинибди. Бундай шароитда янгича ишлаш мумкинми? Ўзаро манфаатдорлик қарор топмаган жойда натижалар қандай юқори бўлсин, ахир?! Вилоят ва туманлар назорат инспекциялари ўтказган текширишлар натижасида 398 раҳбар жавобгарликка, жумладан 299 раҳбар моддий жавобгарликка тортилди, 39 мансабдор шахс вазифасидан озод қилинди. Чунки ижтимоий адолат қарор топган жойдагина самара юқори, меҳнат завқли бўлади. Энди Қарши шаҳар ҳокимлиги олиб бораётган ишга келсак, бир шу жойда эмас, барча туманларда ҳокимлар, раҳбарлар умумий иш учун шахсан масъулдирлар. Ҳаммамиз эл ва юрт топширган иш самараси учун жавобгармиз.

Айни пайтда банк, солиқ, молия тизимини янада такомиллаштириш зарурияти сезилмоқда. Ўзаро ҳисоб-китобларнинг бузилаётганлиги,тўланмаган солиқ ва қарзларнинг кўпаяётганлиги, иш ҳақлари ўз вақтида узилмаётганлиги қатъий чоралар кўришни тақозо этаётир. Бизга янгича фикрлайдиган, ташаббускор иқтисодчилар ва раҳбарлар керак. Одамларни ҳам бозор шароитида яшаш ва ишлашга ўргатмоғимиз лозим.

Энди газетангизга келсак,уни минглаб муштарийлар қизиқиб ўқишмоқда. Менимча, мавзуларни чуқур таҳлил қилиш, янада дадилроқ бўлиш лозим. Айниқса, ер ва унинг тақдири ҳаммамизнинг дилимиздаги гап. Китоб туманидаги «Навбаҳор» хўжалигининг Макрид даштида Парда Абдуллаев деган моҳир деҳқон бригадага етакчилик қилади. Агар шудгордан кўнгли тўлмаса, даласидан келмайди. Бундай деҳқонларнинг ерга меҳр қўйиши бежиз эмас. Чунки не-не бойликларга кон Қашқадарё замини авлодларнинг ҳам насибасидир. Ерни асраш-истиқболни асраш, демакдир. Токи, ана шу саховатли замин эл-юрт учун ҳамиша ноз-неъматлар инъом этаверсин...

Суҳбатдош: Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хатлардан сатрлар

"НУРИ ИСЛОМ" КЎМАКДОШ

Гўзалкент туманидаги Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигида Оқбўта Зокиров бошчилигида "Нури Ислом" қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркорлар Россиянинг Ярославль шаҳридан қишлоқ хўжалиги учун зарур техникавий эҳтиёт қисмлар топиб келмоқда. Россияга эса шартнома асосида турли сабзовот маҳсулотлари жўнатиляпти.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.
Самарқанд вилояти.

ФАБРИКА ИШЛАМАЯПТИ

Андижон шаҳридаги трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси дастгоҳлари анча вақтдан бери ишламаяпти. Ишчилар бекор, турмуш эса ... Фабрика ишини юритиб юбориш учун на шаҳар ҳокимлигидагилар, на вилоят ҳокимлигидагилар бирон чора кўраётирлар.

А. ТУРСУНОВ,
Қ. МАМАШЕВ.
Андижон шаҳри.

УЙҚУДАГИ РАДИОКАРНАЙЛАР

1992 йилда жамоа хўжалигимизга 3 минг нуқтали радиоузел келтириб ўрнатилганди. Барча хонадонлар радиолаштирилди. Бироқ бу ҳол узоқ давом этмади. Бир ишлаб, бир ишламай турган радиоузелнинг овози ўчганига ҳам анча бўлди. Ҳамма радиокарнайлар уйқуга кетди. Хонадонларга тортилган симлар ҳам аста-секин узилиб, тамом бўлди. Энди улар бутунлай бошқатдан қурилмаса, тиклашнинг сира иложи йўқ. Биз томондаги янгиликлар мана шунақа.

Абдусалим ҲАСАНОВ,
Наманган вилояти, Поп тумани,
"Поп" жамоа хўжалиги.

Тақдир сўқмоқлари

ҚАЙТАР ДУНЁ

(Бўлган воқеа)

«Шарифа қамалганмиш!» Матлубадан бу хабарни эшиттанимда олдинига ишонгим ажабланмадим. Қачондир шундай бўлиши керакдай. Бошқа нарсага «Даврони ҳам «тортиб кетганмиш»... Бунисидан эса таажжубландим ҳам дея олмайман, очиғи ғалати аҳволга тушдим. Руҳимдан қандай туйғу кечди ҳалигача аниқ айтолмайман... Матлуба, Шарифа — биз болаликдан бирга ўсганмиз.

Белгиланган кунда судга бордик. Суд залида ўтирибман-у, хаёлларим олисда — болалик хотираларида. Чунки умр бўйи ўзимизга содиқ дўст излаймиз. Ҳеч бири беташвиш болалик чоғингиздаги тенгқурларимизга етмайди. Бизни маъсум болалик боғлаб туради. Шунданам уларни бот-бот кўнгил қўмсаб туради. Ахир уларни жиноятчи дейишга тил борадими? Бормайди. Лекин ҳаёт бешафқат. У ўз ҳукмини дўстингга ҳам, аҳ ёрингга ҳам ўтказади. Шарифани қора курсида кўриш нақадар оғир. Қора курсида ўтирган аёлни биздан бор йўғи 5-6 қадам масофа ажратиб турибди. Лекин бир қарашда шундай туюлди шекилли... Аслида биз аллақачон бир-биримиздан анча олислаб кетибмиз. Шу кезда буни негадир пайқаб қолдим, ҳис қилдим.

Негадир у залга кўз югуртирди. Лоқайд, бефарқ боқишлари. Сўнг яна бепарвогина суроқларга истаристамас жавоб қайтара бошлади. Балки бизниям кўргандир. Унга ҳозир ҳамма бирдек — узоқда эди. Назаримда болаликнинг ширин хотиралариям Шарифа билан бирга қора курсида ўтирарди...

«Енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганган», «Товламачилик қилган», «Фойдали меҳнатдан бўйин товлаган»... «Оғир меҳнатдан қўра...» Унга шундай ташбеҳларни ёғдиришяпти. «Оғир меҳнатдан қўра», Негадир ўйлаб қолдим. У ўзи ҳеч оғир меҳнат қилганми? Шу пайт залда ўтирган Давроннинг онасига сўз берилди. «Азал-абад бизнинг оиламизга хусумати бор эди. Йўқса, боламни йўлдан уриб шу йўлларга бошларимиди... Шунча боламдан бирортаси шу йўлга кирмаганди-ку?! Минг қилсанг ҳам зотингга торттинг-да... Аслида таги паст жувон ўлгур, «дастурхончининг қизи...» Юрагим зириллаб кетди. Шарифаям бир чўчиб тушди. Ирғиб ўрнидан туриб кетди. «Ёшлигимдаям...» Унга сўз беришмади. Оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. Балки уни ўғрилик ёки қотилликда айблашсаям шунчалар исён кўтармаган бўлармиди?! Одам боласи онадан бегуноҳ туғилади. 10 фарзандингиз қилмаган гуноҳни бири қилса ҳозиргидай фарёд чекасиз. Лекин у қандай қилиб гуноҳ қилиш йўлига кирганини ўйлаб кўрамизми?

ДАСТУРХОНЧИНИНГ ҚИЗИ

Маҳалламизда туй. Биздан бир кўча наридаги Олия опа келин туширяпти. Ҳали-ҳали эсласам тагига етолмайман, хабарчи: «Олия опаникига наҳорга ош, пешинга «хотин оши» деб кетди. Ўша топда Олия опанинг эри, оила бошлиғи Мўмин акани эсладим. «Ойи, нега Мўмин аканикига деб айтмади? У киши тирик-ку?» Ойим бироз ўйланиб турди. Негадир енгил уф тортди. Кейин: «Олия бой хотин-да. Етти маҳалла танийди. Мўмин ака-чи? Ҳеч ким, шунга «Олия» деб айтгандир-да». «Бой хотин»нинг дабдабали туйи. Ҳамманинг фикри-зикри никоҳ базмида, артистларда, очиғи, ўртада «ноз» қилиб ўйнаётган ўйинчида. Матлуба иккимиз тасодифан ўчоқ бошига бориб қолдик. Тахлам-тахлам идишларни ювиётган қиз, негадир юз-кўзини рўмол билан ўраб олганди. Дарров танидик. Бизни кўриб бошини эгиб олди. «Шарифа, юр, «ўйинчи» кўрамиз» тортқиладик. Секингина бошидан дуррасини туширди. Каловланиб турувди, онаси танбеҳ берди: «Бўла қол, қизим, ҳадемай суюқ тортилади». Биз бир Шарифага бир даврага қараб турдик. «Ердамлашиб юборамизми?» Матлуба секин қулоғимга шипшиди. «Э, эсинг борми, одамлар кулади» дедим. Шарифа яна бошини дуррраси билан тангиб боғлади. Нари кетдик. У ортимиздан югуриб келди: «Матлу, илтимос, қизлар, ҳеч кимга айтманглар...» Хўп. Кимга, нимани айтмаслигимизни яхши англамадик ҳам. Биламиз, онаси дастурхончи. Нима қипти?

Эртаси куни мактабда дув-дув гап тарқалди. «Шарифа Рустамларникида «дастурхончилик қилибди». Анчагача у биздан аразлаб юрди. Дурра билан минг юзини яширса-да, яна кимдир уни «таниганди»да.

Кўп ўтмай «бой хотин» мактабимизга жанжал кўтариб келди. Синф раҳбаримиз дарс утаётганда бостириб кирди. «Углимнинг тенги шу «дастурхончи»нинг қизи»ми? Мана хати... Беҳаё, ялангоёқ ўглимга осилиб хат ёзибди... Мана, ўқиб беринг, бошқаларига ибрат бўлсин!» Ҳаммамиз нафас ютиб жимиб қолдик. Шарифа эса ранги девордек оқарди. Сўнг юзини кафтлари билан беркитиб, синфдан отилиб чиқиб кетди. Негадир Опамиз унга «Тўхта!» демади. Ортидан биз ҳам чиқишга ўзимизда журъат топмадик. Биз Олия опага тикилганча ҳукмни кутаётган маҳбусдек тошдек қотгандик. Опамиз хатни ўқимади. Ҳатто очиб ҳам қарамади. Майда-майда қилиб йиртди-ю, чўнтакларига солиб қўйди. Шу-шу Шарифа мактабга қайтиб келмади. 8-синфни аранг ўқитувчиларнинг қистови билан битирди-ю, бошқа ўқимади. Фақат опамиз бир мажлисда «Эссиз, минг афсус, шундай истеъдод зое кетадиган бўлди» деганлари ҳали қулоғим остида. Чунки Шарифа яхши ўқирди, шеърлар ёзарди. Алгебрадан кўпинча ундан қўчирардик.

Мактабдан кетса-да, Рустам билан муносабатлари ўзгармади, чамамда. Улар қўшни эди.

Йиллар ўтди. «Бой хотин» Рустамни бошқа қизга уйлантирди. «Уйдан кетаман, маҳалладан кетаман! Умуман, бошимни олиб кетаман!» исён қиларди у. Йўқ, у бош олиб кетмади. Фақат боши берк кўчага кириб кетди, холос.

Йиллар чўқур, учаверди. «Эшитдингми, Шарифа ўғрилар билан «иш» қилармиш», «Разборчик» бўлганмиш», «Чет элга кетармиш...» миш-мишлар. Уларни лоқайдгина тинглаб қўя қолардим. «Даврон билан чет элларга қатнаётганмиш» охирги эшиттан миш-мишим шу бўлди. Қайси Даврон? Э, маҳалламиздаги «бой хотин»нинг кенжаси-да!

Ҳа, Шарифа энди ўзи ҳам «бой хотин» бўлиб кетди. Охирги учалмизнинг учрашувимиз яна маҳалладошларникидаги туйда бўлганди. Энди Шарифани таниб бўлмасди. Данғиллама ҳовлиси-ю, ўзининг кибру-ҳавоси «Олия бой хотин»никидан ўтса ўтдики, кам эмас. Ўтадигани шуки, Олия опанинг 8 нафар фарзанди бор. Бари уйли-жойли, ўзига тўқ яшайди. Шарифа-чи, бир ўзи. Ёлгиз. Шундай аёл бойликдан бошқа нима билан овунсин!

Ҳа, сўнгги учрашувимиз экан билсак ўша кун. Ўртамизда ўтирган Шарифанинг хаёллари биздан анча олислалигини ҳис қилиб ўтирардик. Болаликдаги ниманидир ундан қидирардик. Ҳарчанд уринмайлик топмадик. Бегубор, самимий, исёнкор ўша маъсум қизалоқ... Ўша дурра тангиган қизалоқ... Йўқ, у олис ўтмишда қолиб кетганди. Қайтмас бўлиб.

СУДДАН СЎНГГИ ЎЙЛАР

Ҳукм ўқилди. Жиноятчи эндигина нима қилиб қўйганини тушуниб еттандек, назаримда гандираклаб ўрнидан турди. Биласизми, нигоҳи фақат Олия опага қадалган. Қаҳрли... Жиноятчида нафсоният йўқми, у гуноҳкор, у адашган. Лекин ҳали уни инсоний ҳис-туйғу — нафрат тарк этмаган-да.

Фалак нақадар адолатли. Унинг ёзилмаган шундай қонунлари борки, кўз билан илғамайсиз, билмайсиз. Тош-тарозиси шунчалар аниққи, баъзан билиб-билмай содир эттан гуноҳларимиздан бандаси кечиб кетаверар. Лекин у кечмайди. Посонгиси ҳечам теппа-тенг, муаллақ туриб қолмайди. Йўқса, Шарифа қора курсида ўтирди, қилмишига яраша. Мавлон ҳам «тортилди» қисматидан топиб.

Она-чи?! Уни суд жазоламади. Биров ноҳақсан демади. У оқ. Лекин биргина қилган жиноятининг болаликдаги бегубор ўша маъсум муҳаббатни топтади, бегуноҳ қизалоқни бир умрга бадном қилди. Кўнгил деган кўчанинг бирига итариб юборди. «Фойдали меҳнат!» Нима у? Ўйласам, онасига қараш учун тенгқурларидан уялиб, юз-кўзини дуррага чирмаган қизнинг мой юқи қўллари кўзимга кўриниб кетди...

Она. Етти фарзанди бағрида. Бири эса панжара ортида. Бирининг тина дардида чекаётган оҳи қўкка ўралаяпти. «Гуноҳим нима! Қариганимда шу кўргулик!», «Кўргулик!» фалакнинг берган жазоси эмасмикан?! Фақат ўртанаётган юрак тафтингизга шундай деб таскин беринг. Шарифанинг келиб-келиб Сизнинг кенжангиз билан шерик бўлиб... «тортиб» кеттани. Бу ҳам тақдирнинг қалтис ҳазилимикин? Ёхуд қайтар дунёнинг қайтган қисматимикин? Фалак адолатли. Лекин негадир у Сизга адолатсизлик қилдимикин? Йўқ, фалак адолатли...

Саида БОНУ.



«ҚИЗИЛ ХОЧ» ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЛИМИ

«Райнише Пост» газетаси сешанба куни тунда Чеченистоннинг Янги Атаги қишлоғида ҳарбий шифохонада олти нафар хоччиларнинг отиб ўлдирилгани ҳақидаги мақолани чоп этди. Чеченистонда рўй берган бу қонхўрлик 133 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Қизил Хоч жамияти тарихида биринчи бор қайд этиляпти, деб ёзади газета. Қизил Хоччиларга нисбатан ҳатто Африкадаги ҳарбий ҳаракатлардаям бундай ваҳшиёна муносабатда бўлинмаган.

ЗЮСМУТ ХОНИМНИ АЙБЛАМОҚДА

«Экспресс» газетаси Германия парламенти Раиси Рита Зюсмут хонимни амалини суиистеъмол қилишда қоралаяпти, деб ёзади. Газетанинг таъкидлашича, парламент Раиси Рита Зюсмут хоним уч карра ҳарбий самолётдан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланган. Шу ҳафтада парламент Раиси узига тегишли гапларни Бундестагда изоҳлаб беради. Агар ҳақиқатан ҳам Зюсмут ўз лавозимини суиистеъмол қилган деб топилса, хонимни ишдан четлаштириш масаласи кўндаланг бўлиб қолиши турган гап.

ЯҚИН ШАРҚДАГИ ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШЯПТИ

ВАШИНГТОН. Президент Билл Клинтон шу йил 16 декабрда Яқин Шарқдаги вазият ҳақида фикрини айтди. Президент Европа етакчилари билан ўтказилган матбуот конференциясидан сўнг: «Яқин Шарқдаги можароларга энди «холисона» муносабатда бўлиб туриш мумкин эмас. Ё «олға» юриш, ё «ортга» чекиниш зарур», деб таъкидлади. Сиёсий тангликни тинч йўл билан бартараф этишга уринишлар беҳуда, олиб бориладиган музокаралар эса боши берк кўчага кириб қолмоқда. Бу эса вазиятни баттар мураккаблаштиради, деб ҳисоблаяпти Президент.

Хева туманидаги Рўзмат Мадаминов номли жамоа хўжалиги кўп тармоқли. Бу ерда чорвачилик, деҳқончилик билан бир қаторда балиқчилик ҳам ривож топган. 45 гектар майдонни эгаллаган ҳовузларда қишин-ёзин балиқ етиштирилади.

Руслан Матрасулов бошлиқ балиқчилар бригадаси 85 тонна балиқ овлашди. Йил охиригача эл дастурхонига яна 15 тонна балиқ топшириш режалаштириляпти.

СУРАТДА: балиқ овлаш пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Яқинда Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Заркент қишлоғида тикувчилик фабрикаси очилди. Корхонада асосан хотин-қизлар меҳнат қилишяпти. Улар тиккан бежирим кийимлар кўпларга манзур бўлмоқда.

СУРАТДА: ўз ишининг устаси Саида ЭШОВА.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Футбол

КИМ ҒОЛИБ БЎЛАРКИН?

Бугун Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Осиё кубогининг сўнгги босқичи қизғин якунланмоқда.

Ярим финал ўйинларида аввал БАА ва Қувайт футболчилари майдонга тушди. Бу учрашув рисоладагидек давом этди, дейиш мумкин. Боиси чўзилмади. Ғалабани дарвозага йўлланган ягона тўп таъминлади. Деярли тенг куч билан курашган ҳар иккала жамоа дарвозалари узоқ вақт даҳлсиз бўлиб турди. Кейин БАА футболчиларининг омадлари юришиб, финалга йўлланма олишди.

Эрон ва Саудия Арабистони жамоалари ўртасидаги учрашув эса ўзига хос синоатга айланди. Учрашувнинг асосий ва қўшимча вақтида ҳам дарвозалар даҳлсиз қолди.

Қоидага кўра бештадан 11 метрли жарима тўпи тепиш бошланди. Бисмиллоҳ деб тепилган тўпларни нишонга уришда эронликлар уч марта имкониятни бой беришди. Саудия Арабистони тўпурарлари эса икки марта уролмай, тўрт марта дарвозани ишғол этдилар. Ҳисоб 4:3 бўлди. Чунки бештадан тўп тепилганда ҳисоб тенглашиб, олтинчисини уришга рухсат берилганди. Шундай қилиб, Саудия Арабистони футболчиларининг омадлари келиб, финалга йўлланма олишди.

Бугун бу икки жамоадан қайси бири бош соврин соҳиби бўларкин? БАА жамоаси бундай имкониятга биринчи марта мушарраф бўлиб турибди. Саудия Арабистони футболчилари эса 1984 ва 1988 йилларда кубок эгаси бўлишган. Нима бўлганда ҳам финал учрашувининг кескин ва муросасиз бўлиши кутилмоқда. Кубок эса бу сафар Араб давлатларидан бирида қолиши аниқ.

Ҳайдар НОСИРОВ.

«Аёлдан ортиқ гўзалликни табиат ҳозиргача бизга тортиқ қилганича йўқ».

Асқар АКАЕВ.

Инсониятнинг энг буюк даҳолари ҳар қандай жамиятнинг мустақиллиги аёллар озодлиги ва тараққиёти билан ўлчанади, дея таъкидлаганлар. Бу қоида Қирғизистон аёлларига нисбатан айтилганида янада юксак мазмунга эгадир. Чунки Марказий Осиё республикалари каби Қирғизистонда ҳам мустақилликка эришилгандан кейин ҳаёт кечириш мураккаблашди, ишсизлар кўпайди. Ишсизларнинг 60-70 фоизи аёлларга тўғри келмоқда. Мамлакатни бошқариш жабҳаларида ҳам аёллар сони камайди. Бунинг сабаби — тоталитар тузум даврида аёлларнинг давлатни бошқаришга қатнашуви ҳам режалар асосида белгилаб қўйиларди, ҳозирги давр талаби эса фақат сон билан ўлчанмайди, балки сифат асосий мезон ҳисобланади. Чунки, сунъийлик бор жойда ҳақиқий тараққиёт йўқдир.

Аёлларни бошқарув ишларига жалб этиш — мураккаб масала. Бунда аёлнинг меҳнаткашлиги, имконият даражаси қандай, ижтимоий - сиёсий ишларга ўз ҳиссасини қўшиш қобилиятига эгами — мана шундай фазилатларни ўлчаб кўргандан кейингина мамлакат бошқаруви ишларига жалб қилинмоқда. Бироқ доимо бир қоидани эсдан чиқармаслик керак, аёлнинг энг биринчи вазифаси — оналик. Мана шундай муқаддас вазифани бажарганлиги учун у бахтли яшашга ҳақли.

Ҳозирда ўз болаларини яхши тарбиялаб, халққа қўшишга ўзининг барча куч-қувватини бағишлаган асл зот аёллар кўп, улар дунёнинг (оламнинг) устунлари, яшашни таъминлаб турган, оналик меҳри билан ҳаётимизни чароғон қилган ҳақиқий инсонлардир.

Шунингдек, улар орасида фақатгина оналик вазифасини бажариш билан чекланмасдан, жамиятдаги тутган ўрним баланд бўлсин дегувчилар ҳам кўп. Уларнинг табиати чаққон, ўз олдига катта мақсад қўйиб, уни бажариш учун куч-ғайратга эга инсонлардир. Мана шундай аёлларга ўз истеъдоди, билимини қўллашга имконият яратиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидандир.

Шу мақсадда Қирғизистон Республикаси аёлларининг 20 дан зиёд нодавлат ташкилотлари, битта аёллар демократик партияси фаолият кўрсатмоқда. Биз бу мақоламизда шу ташкилотларнинг барчаси ҳақида маълумот бериш имкониятига эга эмасмиз. Шунинг учун «Мээрим» жамғармаси ва унинг фаолияти ҳақидагина тўхталиб ўтамиз.

Майрам АКАЕВА:

«АЁЛНИНГ ЭНГ БИРИНЧИ ВАЗИФАСИ – ОНАЛИК»

Қирғизистондаги «Мээрим» жамғармаси фаолияти хусусида

Бу жамғарма 1993 йилда Қирғиз Республикаси Президентининг рафиқаси, профессор Майрам Дуйшеевна Акаеванинг ташаббуси билан тузилди. Унинг асосий вазифаси — етим болаларга, болалар уйида тарбияланаётган ўсмирёшларга, майиб-мажруҳ, ижтимоий ҳимоясиз одамларга, серфарзанд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида тузилган. Аммо ҳозирда бу жамғарманинг бажараётган ишлари кўлами анча кенг. У халқаро болалик ва оналикни ҳимояловчи ташкилотлар кўмагида болалар ва оналар саломатлигини тиклаш ва асраш, уларнинг моддий шароитини яхшилашга ёрдам бериш, аёлларнинг илм олиши ва фарзандларини маънавий баркамол этиб тарбиялаш учун дастурлар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширувчи ташкилот сифатида, асосан уч йўналишда фаолият кўрсатмоқда.

Биринчи йўналиш бўйича жамғарма томонидан «Соғ халқ — соғлом фарзанд — соғлом миллат», «Болаларнинг тикланиш маркази», «Ёттим болаларни ҳимоялаш», «Болалар, ўсмирлар, аёлларнинг алкоголизми ва наркоманиясининг олдини олиш» дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Иккинчи йўналиш бўйича жамғарма «Иқтидорли болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш» дастурини ишлаб чиқди. «Илм» стипендияси жорий этилиб, иқтидорли мактаб ўқувчилари, билим масканлари талаба ва аспирантлари, серфарзанд оилада туғилган талаба ёшлар қўллаб-қувватланмоқда.

Учинчи йўналиш бўйича «Жаҳон болаларига Манас ҳақида маълумот бериш» дастури ишлаб чиқилган Болалар ёзувчиларининг халқ оғзаки ижоди намуналарини чоп этишга моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бутундир Туркистон, бутундир!

Жамғарма моддий аҳволини фақатгина хориждан берилган техника ва пуллар ҳисобига мустаҳкамлаб қолмасдан, республикадаги имкониятлардан ҳам фойдаланишга эришмоқда.

Жамғарма ўз фаолларига 5 та мукофот ҳам таъсис этган. Улар «Қутман эне», «Датка айым», «Даанышман», «Даанакер», «Дилгир» деб номланади. Мукофотлар йил охирида диплом, қимматбаҳо совғалар билан қўшиб топширилади. Жамғарманинг фаолияти дунё жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланди. Яқинда бу фонднинг бошлиғи Майрам Акаевага. Халқаро ЮНИТУ мукофоти она-болаларни ижтимоий ҳимоялашда ҳамда миллатлар орасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун жаҳон хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб берилди.

Мен яқинда Бишкекда бўлиб Майрам Акаеванинг келажакдаги режалари, аёллар ва болалар тарбияси ҳақидаги фикрлари билан қизиқдим:

— «Ҳозирги шароитда ҳеч ким қўл қовуштириб ўтирмаслиги керак, — деди у киши. — Чунки ҳаётнинг оғирлиги биринчи навбатда оналар, болалар ва ҳимоясизларда оғир асорат қолдириши мумкин. Шунинг учун биз тезроқ халқнинг ҳаётини тузатиб, бу оғир аҳволдан қутилишга ҳаракат қилиш билан бирга, ҳозирнинг ўзида она-болаларга ва ҳимоясизларга моддий ва маънавий ёрдам беришимиз керак. Бу ишларни фақат давлат иши деб қарамаслигимиз лозим. Чунки дунёга келган ҳар бир бола моддий жиҳатдан ҳимояланган, осойишта оилада яшашга ҳақлидир. Аммо, ҳаётимиз учун зарур бўлган ота-онанинг ўз фарзандига меҳри, осойишта оила ва катталарнинг кичикларга ғамхўрлиги масаласи ёдимиздан чиқиб кетяпти. Оқибатда халқимиз турмуш тарзига ёт бўлган — болалар ҳақига хиёнат қилиш, маънавий тубанлик, ота-онасиз қолган болаларни сезмасликка олиш ҳоллари учрамоқда.

Шукрки, қирғиз халқининг табиий ички маданияти, урф-одати, катта-кичикларга бўлган муомаласи ўзига хос. Масалан, ҳар бир қутлуғ оила кўп асбобли оркестрга ўхшайди. Ҳар бир оилада отанинг, онанинг, ўғилнинг, қиз-келинларнинг ўз ўрни бор. Оталар насиҳатини ҳамма сукут сақлаб эшитишади, ёшлар билмаганини катталар ўргатишади. Бундай хусусиятлар иззат ва имонни ўзида ифодалаган асл хусусиятдир.

«Болалик уй — бозор», дейди халқимиз. Бола овози чиқиб, бешик тебраниб турган уй қутли ва бахтли дейилади. Аввалдан қирғиз халқи ўз болаларини авайлаб тарбиялаган, уларга қаттиқ гапирмаган, урмай, сўкмай, кўнглини чўктирмай вояга етказишга ҳаракат қилган. Чунки меҳрибон ота-онанинг қўлида тарбияланган болагина, ота-онаси ва атрофдагиларга, меҳрибон халқига саховатли бўлиб ўсади...

Ҳа, дарвоқе она ва бола улуғ, муқаддас сўз. Арчанинг кўмкўклиги доимий бўлгани каби, она-бола мавзуси ҳам жамиятимизнинг абадий муаммосидир. Она — умр чашмаси, бола умр бутоғи, деган мақол бор. Бунинг моҳияти ҳар бир инсонни фикрлашга мажбур этади. Бу масала инсон яшар экан, унинг билан бирга мангу барҳаётдир.

Манзура ХОЛИМАТОВА,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент.

Тошкент шаҳридаги Сўфизода номли 165-мактабда лотин тилида ўқитилаётган махсус синф ўқувчиларининг алифбе байрами бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Гимни билан бошланган ушбу тантанада мактабнинг тажрибали педагогларидан бири, лицей синф раҳбари Лола Латипова мамлакатимизда ёш авлоднинг эмин-эркин билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади.

Суратда: Л. Латипова ўқувчилари билан.

М. АМИН (ЎзА) олган сурат.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 23

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Қизлар гулдастаси».
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тилла ранг ришталар жозибаси».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари».
10.30 Шифокор экрани.
11.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Осмон дарвозаси». Бадиий фильм.
13.15 «Бунёдкор».
13.35 «Барака ёмғири». Мультфильм.
13.45 «Меҳр қолур». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Ҳаёт ва қонун».
18.45 «Темур бобо». К. Баратов ижро этган.
18.50 «Соҳибқирон». Видеофильм. 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 А. Икромов, Ю. Исматова. «Темурий маликалар». «Тановар» рақс театри. 1-қисм.
22.00 Ўзбекистон геологиясининг 70 йиллигига. «Она ер мурувватн».
22.15 «Бу оқшом...»
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Истиқлол одимлари.
00.10 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Палитра».
18.45 «Мультфейерверк».
19.15 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Хобби-холл».
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 «Спорт қитъаси».
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.40 Янгиликлар.
17.45 Эълонлар.
17.50 «Овчининг сўнгги олишуви». Бадиий фильм. 1-серия.
*
19.10—21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Олатовнинг қорли чўққилари», «Сванетияда қиш». Телефильмлар.
*
23.00 — 23.30 Россия давлат телевидениеси.
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Дидар».
19.40 «Эҳтиёжга эътибор...»
19.55 Эълонлар.
20.00 «Жаҳон».
20.20 Кечки сеанс. «Автомобилдан сақланинг!». Бадиий фильм.
21.50 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
22.00 «Шлягер».
22.15 «Спорт-тайм».
22.45 «Авторейд».
22.55 «Умид».
23.25 «5+1». Интервью.
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 24

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Воҳа тароналари.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари». Телеочерк.
10.30 Инглиз тили.
11.00 Ўзбек қўйларидан концерт.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Ассалом, япон тили».
12.30 «Катта трамплин». Бадиий фильм.
13.45 «Ислоҳот истиқболи».
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 Футбол шарҳи.
18.45 Дилнавоз садолар.
19.00 «Соҳибқирон». Видеофильм. 2-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дурдона».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 А. Икромов, Ю. Исматова. «Темурий маликалар». «Тановар» рақс театри. 2-қисм.
22.00 «Альманах-ТВ».
22.30 «Уйимдаги бегона». Бадиий фильм. 1-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Оҳанглардан таралган меҳр».
00.20—00.35 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Олтин кент».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.20 «Спорт қитъаси».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 — 00.30 «Кинонигоҳ».
III
17.40 Янгиликлар.
17.45 Эълонлар.
17.50 «Овчининг сўнгги олишуви». Бадиий фильм. 2-серия.
*
7.30 — 9.00, 19.10 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Ов ҳақида ҳикоялар». Телефильм.
*
23.05—23.40 Россия давлат телевидениеси.
*
23.40 Эълонлар.
23.45—23.50 Янгиликлар.
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси..
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Дам олиш дастури.
19.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.45 Эълонлар.
19.50 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Аптека эшитади».
21.40 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
22.10 «Истеъдодлар ва мухлислар».
22.40 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
23.10 «Жиллет-спорт».
23.40 Коллаж.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 25

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Оҳанглардан таралган меҳр».
8.50 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Қўнғироқча».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Қирқ ҳунар ҳам оз...»
11.30 «Темурнома».
11.50 «Эй, сабо». Тожиддин Муродов ижросида классик қўшиқлар.
12.20 «Хазинамиз таянчи».
12.40 «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фунтик ва муйлабли кампиршо». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дур».
18.25 «Сўз сизга». Ёшлар учун кўрсатув.
18.40 «Замон билан ҳамнафас».
18.50 Дилнавоз садолар.
18.55 «Соҳибқирон». Видеофильм. 3-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Табаррук қадамжолар». Нурота. «Чашма» мажмуаси.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси олдидан.
21.20 Дилнавоз садолар.
21.35 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.50 «Талқин. XX аср».
22.20 «Адашлар».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Велле» намойиш этади...
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Спорт қитъаси».
23.25—00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Бугунги Исроил».
18.20 «Яхшиликка ёмонлик». Мультфильм.
18.30 «Оддий муъжизалар». Телефильм.
*
7.30—9.00, 19.10—21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Шоҳсупа сари».
*
23.00—23.35 Россия давлат телевидениеси.
*
23.35 Эълонлар.
23.40—23.45 Янгиликлар.
IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси..
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Шифокор билан мулоқот.
19.30 «Қушиқларим оламни тутар».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.25 «Мезон».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Тошкент оқшомида».
21.30 «Ер курраси».
21.50 «Ҳамдўстлик»
22.20 «Тинчлик даври». Бадиий фильм.
23.20 «Гулдаста».
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 26

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Янграсин шўх яллалар».
8.55 «Сарҳисоб».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Орзу».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Мутлоқ устунлик билан». Бадиий фильм.
13.00 «Нурли келажак». Видеоканал.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Акциядорлар луғати».
18.25 «Омонлик тилаймиз».
18.35 «Катта танаффус».
18.55 «Соҳибқирон». Видеофильм. 4-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида.
22.00 Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган томошалар.
23.15 «Билиб қўйган яхши».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.25 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хобби-холл».
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.10 «Табиат дунёси».
12.00 «Компьютер-Осиё».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.35 — 14.15 Видео—«О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.45 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 — 00.10 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Оқ ёл ҳақида қисса». Бадиий фильм.
*
7.30 — 9.00, 19.10 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.

(Давоми 4-бетда).

Адабиёт тарихи ва истиқлол

ЮРТ ҚАЙҒУСИ, ҲАҚ ТУЙҒУСИДА

1

XX аср бошларида миллий Истиқлол ғояларининг «юрт қайғуси», элнинг асл тилаги эканини билиб, ўз тенгқурлари орасида биринчилардан бўлиб уни кун тартибига олиб чиққанлардан бири Абдурауф Фитрат бўлган. У ҳаётининг онгли қисмини — ҳар бир қадами, ҳар бир сўзи — асарини миллий Истиқлол ғояларининг барқарорлиги учун курашга чоғлаган десак хато бўлмас. Қайси вазифани бажаришдан қатъи назар, қандай йўсинда асар ёзмасин саъй-ҳаракатларининг тубида халқ манфаати ётганини осон илғаш мумкин. У Ватанни кенг — Русия оёқлари остида эзилаётган Туркистон, бир неча элат ва юртларга бўлиниб кетиб, ўзининг ноиттифоқлиги учун жафо чекаётган Турон, ислом таассубининг қоронғу, зах ҳужраларида тутилиб қолиб, умумжаҳон тараққиётидан ажралиб қолаётган бутун мусулмон ўлкалари, борингки, соғлом танда инграб ётган оғриқ, ярали — Шарқ маъноларида тушунган.

Фитрат бу олис нурли соҳилларга ҳавасланибгина қол.мади. Бу воқеаларни ҳаракатлантирувчи кучлар моҳиятини англашга уринди, фаол қаҳрамонларнинг кураш йўлларини ўрганди. Шунинг учун ҳам қримлик Исмоилбек Гаспирали, озарий Жалил Маматқулизода, қозонлик Шаҳобиддин Маржоний ва Абдурашид Иброҳимбек, мисрлик Жамолиддин Афғоний ва Муҳаммад Абдуҳ, афғонистонлик Маҳмуд Тарзий ва Муҳаммад Анис каби фидойиларнинг диний, илмий ва маърифий ҳаракатларидан ўз юртини ёвузлик чангалидан қутқарув жоиз эканини англади.

Ғафлат ботқоғидан чиқишнинг амалий йўллари эса, кўпроқ жадидлар ҳаракатининг амалий йўлланмаларидан саналган «Ҳинд сайёҳи» асарида акс этган. Бу асар орқали бухороликларга ўз ҳаётини ойнада акс этган каби кўрсатган, унинг барча камчил жиҳатларини таҳлил қилиб, энди ўзгариш замонига етишай деганда ғафлатга берилмасликни англатади. Бу Фитратнинг кўнглидаги ниятларнинг эндигина қоғозга «тўкилиши» эди. Ташқарида ҳаёт ўз ҳолича давом этмоқда, сиёсий бошбошдоқлик, иқтисодий тушкунлик, маънавий паришонлик бир вақтлар жаҳоннинг барча хоқонларини етказиб берган турк юртини ичидан кемирмас, шайтонлар қўшуни келса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари сорилса, дунёнинг бутун балолари бошимга тўкулса, зулм чўлининг темир тиконлари кўзларимга кирса ҳам сени қутқарурман» деган ниятда бўлди. Дастлабки муваффақиятсизликлардан, ҳолсизланган ватандошларига қарата улуғ аждодлар руҳи, буюк Соҳибқирон Амир Темур ўз саганасидан «туриб», авлодларига мурожаат қилишини бадиий тасвирлаш билан «йўлларимиз кесилди, пойимиз синди» деб толиққан сафдошларини қайта курашга отлантирмоқчи бўлди: «Не бўлдики, бир замонлар шарафли ва жасур бўлган миллатнинг авлодлари ҳозир бошқа бир миллатнинг зулми остида қолмиш... Сиздан талаб этаман, қалқингиз! Ўлкани тузатингиз, авлодларимнинг ҳур яшашоқларини таъмин этингиз».

Фитрат ва Қодирий.

Маҳмуд ЖЎРАЕВ чизган расм.

4

2

моқда эди.

Оғиздаги ва қоғоздаги сўзлар билан иш кўриш камлик қилишини тушуниб, «усули жадид» мактабларини очиш ишига берилди. Чунки янги жамият қурувчилари учун тарбияни аввал оила ва мактабдан бошлаш кераклигини жоиз билди. «Янги усул» мактабларини жорий қилиш билангина ислоҳотчилик йўли амалга ошиб қолмасди. Шунинг учун ҳам бир вақтлар Истанбулдаги таҳсил даврида қизиққан Зиё Кўкалпнинг турқчилик дастурини ўз юртининг иқтисодий ва сиёсий масалаларига татбиқ қилиб, тилда, адабиётда, ахлоқда, ҳуқуқда ва фалсафада янги бир ижтимоий миқёсга олиб чиқадиган янги дастур яратмоқчи бўлди. Айниқса, 1916 йилги Туркистондаги мустамлака режимига қарши умумий қўзғолонлар Фитрат қарашларини амалий изчил режага солди. Энди у ҳеч иккиланмай, майда ва ўткинчи туйғуларга берилмай боиттифоқлик билан умумий душман саналган мустамлакачилик сиёсатига қарши кенг миқёсда ҳаракат бошлади. Бу ғаргат уни Бухоро жадидларининг фаол раҳбарларидан бирига айлантирди. Нафақат ўзининг қарашларига, балки ҳаммаслакларининг саъй-ҳаракатларига ҳам сиёсий тус бериб, ёш бухороликлар партияси номи билан оммавий-сиёсий ҳаракатга кўчди. Партиянинг Низоми, Дастурини ишлаб чиқди. Фитратнинг бу соҳадаги йўлдошларидан бири Файзулла Хўжаевнинг ёзишича, бу дастур Бухоро амирлигидаги барча сиёсий, иқтисодий, маданий, таълимий жабҳаларни қамраб олгани учун ҳам Бухоро амири ва Туркистондаги большевик раҳбарларини чўчитиб қўйди. Бу дастур шунчалик пухта ишланган эдики, кейинроқ 1920 йили Бухоро Халқ демократик жумҳурияти тузилганда ҳам мана шу Фитрат дастури асосида ўнта халқ нозирлиги ташкил қилиниб, жумҳурият бошқарувининг илмий асосларини ташкил қилган манба бўлиб хизмат қилди.

1917-1920 йиллар ораси ўз аҳамияти жиҳатидан икки-уч йил эмас, балки 20-30 йиллик ҳаёт воқеаларини қамровлик ўзгаришларга бой бўлган Туркистонда «туркнинг қонини қайнатгувчи, имонини юксалтгувчи, қувватли бир сўз», яъни Туркистон мухторияти руёбга чиқди. Бироқ тез орада «имонларимизга ўраб сақланган», «миллий лайлатулқадримиз бўлган» мухториятнинг ўқ қилинди. Миллатнинг вазифаси ўз мухториятини сақламоқ эди. Бироқ у келгиндиларнинг оёқлари остида ғасб қилинди. Ўз юртининг Истиқлолини кўзлаган, унинг ҳурлиги йўлида жангга отланган ҳар бир мужоҳидга «босмачи» деган тавқи лаънат осилди, ўз юртини озод қилишни истаган ватанпарварлар ватан хоинлари томонидан яксон қилинди.

Фитрат айни йиллари Самарқандда «Ҳуррият» газетига муҳаррирлик қилар экан, мамлакатда юз бераётган сиёсий ўзгаришлар, булар оқибатидаги иқтисодий қашшоқлик, маданий парокандалик ҳолатларини кузатиб, бунинг туб сабабларини англатувчи адабий асарлар ёзди.

5

3

Ватанни ҳалокат ва жаҳолат ботқоғидан қутқариш учун «бутун борлиғи билан кўмак қилишга ҳозир» бўлди: «Устимга инсонлар

Ўзининг Қўқондаги зафаридан гангиб қолгєн большевик раҳбарларидан Ф. Колесов ёш бухороликларни ўзининг амирига қарши қайраб, улар орқали қуролли қўзғолонни бошлаб юборди. Ғазабланган амир Олимхон Бухоро жадидлари ва уларнинг ёш бухороликлар партияси сафида иш кўраётган вакиллари ҳамда Колесов қўшинларини бирваракайига Бухоро тупроғидан суриб ташлади. Тошкентда муҳожирликда иш кўришига қарамай Фитрат Афғон элчихонасининг хизматига кирди, Ўрта Осиёда биринчи марта тил, имло, адабиёт, санъат ва фан масалалари билан жиддий шуғулланувчи ташкилот «Чиғатой гурунги»ни ташкил қилди.

Фитрат 1921-1923 йиллар давомида ўз она ватани Бухорода расмий ҳукумат идораларида ишлар экан, энди ўзининг улуғвор ниятларини амалга оширмоқчи бўлди. Ташқи ишлар халқ нозири, Маориф ишлари нозири вазифаларида расман ишлашига қарамай, Бухоро ҳудудида турк (ўзбек) тилини давлат тили сифатида эълон қилди, «Бухоро ахбори» газетаси ташкил қилинишида қатнашиб, унга муҳаррир сифатида Чўлпонни таклиф қилди. Давлат театри ташкил қилиб, машҳур режиссёр Маннон Уйғурни бу ишга жалб қилди. Бухорода халқ дорилфунуни, Шарқ мусиқа мактаби ва бошқа қатор тадбирларни амалга оширдики, бу унинг энди мустақилликни қўлга киритган мамлакат учун тинмай қилган юмушларидан баъзилари эди. Шунга қарамай, мустабид тузум, зўрликка асосланган йўқсуллар жамияти Фитратни бу тинимсиз улуғвор меҳнатлари эвазига «иш бошқарувидаги жиддий нуқсонларга» йўл қўйганликда айблаб, Москвага бадарға қилди. Албатта, Фитрат кураш алангасидан ўчиб, заҳматлардан толиқиб, пойтахтда маданий истироҳат билан шуғулланганн йўқ. «Бедил», «Абулфайзихон», «Қиёмат» сингари ўзига хос асарлар ёзди. Шарқ адабиётининг бутун тарихини изчил тартибда қайта кузатиб, янги жаҳон миқёсидаги назарий андозалардан озиқланиб, қайтанга бақувват бир истиқлолчи олимга айланди. Расман Лазаревлар жонли шарқ тиллари институтида дарс бериш билан бирга пойтахт олимларининг тавсияси билан Москвадан профессор бўлиб қайтди. Биринчи ўзбек профессори энди ўз касбига муносиб иш билан ватан тарихини тиклаш, адабиётини тартибга солиш, она тилисининг умри узоқ сақланиши учун унинг қонуниятларидан хабар берувчи дастлабки ўзбек тили дарсликлари, адабиёт назарияси, тарихи ва адабий танқидга доир жиддий тадқиқот ва қўлланмалар, мажмуа ва дарсликлар яратди. Фалсафа, ахлоқ, санъат тарихи, мусиқа ва бошқа фанлар билан жиддий шуғулланди. Бадиий ижод соҳасида ҳам кўнгилдаги ниятларни қоғозга кўчириб, «Арслон», «Восеъ қўзғолони» каби драмалар яратди.

Хуллас, ҳаётнинг ҳар жабҳасида, илмнинг ҳар соҳасида, бадиий ижоднинг ҳар бир жанрида ўз юртдошларига намуна бўларлик гўзал ва ўлмас асарлар яратган экан, унинг изланишларга, туғёнларга бой ва машаққатли ҳаёти эндигина Истиқлол йўлига қадам қўйган ҳар бир ўзбек зиёлиси учун ибрат мактабидир.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ.

6

ҚИРОЛИЧА ҲАЙРАТИ

Эҳтиром

Мозийда даф, ҳозирда доира ёки чилдирма. Оддийгина бир чолғунинг уч номи. Ўз вақтида унинг дилбар оҳангига Англия қироличаси ҳам кўнгил бериб қўйганини сезмай қолган. Шунинг учун ҳам улуғ санъаткор уста Олим Комилов бармоқларининг изини ганчга кўчириб, Буюк Биртания музейига қўйдирган. Бу тарихий воқеа 1935 йили Лондонда ўтган халқаро рақс фестивалида содир бўлган эди.

Доиранинг жозибали оҳангига муҳаббат қўйганда Қаҳрамон ўн ёшда эди. Бу завқ уни Тошкентдаги собиқ пионерлар саройига етаклади. Бу ерда моҳир доирачи, Уста Олимнинг шогирди Тўйчи ака Иноғомов ёш ҳаваскорларга доира чертиш сирларини ўргатди. Ўн етти ёшида Қаҳрамонни ўзбек Давлат эстрадасига ишга таклиф этишди. Бу даргоҳда у ўз касбига оид ҳикматларни эшитди, тинмай изланди. Қаҳрамон илк концертда қатнашганида буюк санъаткорлар Мукаррама Турғунбоева, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Жуманзар Беҳжонов, Назрулло Ёқубов, Эргашхон Мирмаҳмудова, Ғулом Тожиаълоевлар билан танишди. Бир йил ўтар-ўтмас Қаҳрамоннинг ўзи концерт бўлимининг биринчи ва иккинчи қисмини ўтказиб катта имтиҳондан ўтди. Шунда парда ортида турган Мукаррама Турғунбоева «Бу доирачи истеъдодли санъаткор бўлади», деб каромат қилгани рост чиқди.

Кўп ўтмай 1957 йили Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигида «Баҳор» ансамбли ташкил этилиб, опа Қаҳрамонни ишга таклиф этди. Истеъдодли санъаткор ўз вақтида Мукаррама Турғунбоева, Уста Олим каби саҳна даргалари билан бирга ишлаган. Қаҳрамоннинг жозибали зарблари опанинг хотирасида қолган. У доирани якка тартибда раққоса билан «Гул», «Ларзон», «Сохта Уфи», «Чўпон» каби мураккаб рақс усулларини ижро этишда Мукаррама опадан кўп нарса ўрганди. Қаҳрамон Дадаев дунёнинг қайси мамлакатига борганлигини санашдан, бормаганларини санаб чиқиш осонроқ.

Қаҳрамон «Баҳор»да ишлаш жараёнида аввал икки, кейин уч ва тўртта доирани баравар чалиш санъатини эгаллади. 1964 йили Қаҳрамон Дадаев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига муяссар бўлди. Унинг санъатига олтмишдан ортиқ мамлакат томошабинлари қойил қолганини эсласак, унга 1973 йил «Ўзбекистон халқ артисти» унвони бежиз берилмаганини сезиш қийин эмас.

Бу шону шавкатлар Қаҳрамон Дадаевнинг доимий ҳамроҳи — доира орқали келди. Узоқ ва машаққатли изланиш ўз самарасини кўрсатди. Кечагина «Баҳор»га кириб келган ёш йигитча бугунги кунгача 40 йил ишлаб, Мукаррама опа ишончини оқлади, устозлар назаридан ўтди, ўнлаб-йигирмалаб шогирдлар етиштирган машҳур доирачимиз санъатига ҳақиқий баҳони суюкли шоиримиз Туроб Тўла ёзиб кетган эди:

...Гулдурос, гулдурос осмон,
Саломга эгилмиш соҳибсоз.
Қаҳрамон доира ёнида,
Мисоли шогирду устоз.
Сайр этар шон хиёбонида
Кувончдан ёрилган қалб ўтин
Кўрмаган эдим мен зоҳиран
Нақ ўзин кўрсатди шу бугун,
Завқидан ёрилган доира.

Анвар ИНОҚОВ,
санъаткор, VI Жаҳон фестивалининг совриндори.

АО «ВТОРЦВЕТМЕТ» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ ПРОИЗВОДСТВЕННАЯ ФИРМА НОВАТОР

Юқори сифатли ва жаҳон андозаларига мос бўлган эмал симларни ҳамда турли автомобиллар — "ВАЗ", "ГАЗ", "ЗИЛ", "ЗАЗ", "Москвич"ларнинг поршенларини ишлаб чиқарувчи, МДҲ ва Ўзбекистон бозорларида пешқадам ҳисобланмиш

"НОВАТОР" фирмаси

дилер ва ҳамкорларни ҳамкорликка чорлайди.

Келишилган нархлар ва Ўзбекистон бозорларида маҳсулотларимизга бўлган талаб сизга кенг имкониятлар яратади.

Мурожаат учун телефонлар:
(3712) 57-44-30, 57-78-55, 57-43-00. Факс: (3712) 58-69-70.

Производственная фирма
"НОВАТОР"
АО "УЗВТОРЦВЕТМЕТ"
реализует:
автомобили "Газель"
(ГАЗ — 330210
грузовой вариант с тентом)



автомобильные поршни
всех моделей и
всех ремонтных размеров.

Производит эмаль-провод марки ПЕТВ — 2 и по заказу клиента производит фрионостойкий эмаль-провод марки ПЭФ — 155 для ремонта холодильных установок.

Телефон для справок:
(3712) 57-43-00, 57-78-55, 57-44-30. Факс: 58-69-70.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул),
Владимир ЧЕБОТИН
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Александр ТЮРИКОВ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи С. ЙЎЛДОШЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0694

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 Опера саҳнаси усталари.
*
23.05 — 23.40 Россия давлат телевидениеси.
*
23.40 Эълонлар.
23.45 — 23.50 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Айчурек».
19.40 «Интер-спорт».
19.50 Зиёлилар ҳаётидан янгиликлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «02» тўлқинида».
21.05 «Каталог».
21.20 «Туманлардан ҳоли Британия».
21.40 «Ҳамшаҳарлар».
22.10 «Эколот-коктейль».
22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.10 «Компьютер-ревю».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Эллада».
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 27

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Юзма-юз».
8.45 Кекса санъаткорлар концерти.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кеча ва бугун».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Немис тили.
11.00 «Китоб ва ҳаёт».
11.30 «Темурнома».
11.50 Болалар учун фильм. «Кулол ва хумча».
13.05 «Буни умр дерлар».
13.20 «Ўзбектелефильм» премьераси: «Дўстлик ва ҳамкорлик рамзи».
13.30 «Маърифатнома».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Бизнес ҳафта якунлари».
18.40 «Йигит омон бўлса...».
18.55 «Соҳибқирон». Видеофильм. 5-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Умидли дунё».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида.
21.30 «Ривоят».
21.40 Дилнавоз садолар.
22.00 «Репортаж».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Тақдим».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Мульти-пульти».
9.30 «Боланинг тили...».
9.40 Дилором наволар.
9.50 «Умрбоқий мерос».
10.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.30 Видео янгиликлари.
10.50 Видео — «О».
12.30 — 14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...».
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Спорт қитъаси».
22.30 Хит-парад ва Эълонлар.
23.10 — 24.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Лев Гурич Синичкин». Бадиий фильм.
*
7.30 — 9.00, 19.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».
*
23.00 — 23.30 Россия давлат телевидениеси.
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси..
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 «Рангинкамон».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Монитор-Осиё».
21.10 Келинг, кулишайлик. «Уч тенгак ҳангомаси» («Коламбия пикчерс», АҚШ). 4-серия.
21.30 «Гўзаллик бунёдкорлари».
21.50 «Коинот».
22.20 «Бу бўстон аро».
22.50 «Юлдузли галерея».
23.20 «Замандас».
23.50 Араб эстрадаси.
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 28

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Қайғусиз қувонч бўлмас». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ижоднинг машаққатли йўли». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим.
10.45 «Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Фаровонлик манбаи».
11.00 «Кичкинтой» устахонаси.
11.30 «Темурнома».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
11.50 «Йўғонтепа ҳангомалари». Теленовелла. 1-қисм.
12.40 «Ёш куч» тележурнали.
13.20 «Ойдин йўл».
13.50 «Йўғонтепа ҳангомалари». Теленовелла. 2-қисм.
14.40 — 15.40 «Маънавият» видеоканали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совга».
18.20 «Олам».
18.40 «Соҳибқирон». Видеофильм. 6-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Дилнавоз садолар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Франсияда Амир Темур кунлари.
21.50 «Азиз сиймолар». Сойиб Ҳўжаев.
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
22.10 Жаҳон киноси юлдузлари.
22.25 «Имкон чўққилари».
22.35 «Муҳаббат — ҳаёт демакдир». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
II
9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 — 14.20 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.30 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
18.40 «Театр ҳақида ўйлар».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Фидойиилар». 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Жозиба».
20.05 «Фидойиилар». 2-қисм.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:
21.00 Видео — «О».
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.20 «Фидойиилар». 3-қисм.
23.55 — 00.20 «Зиндаги ёвуз муҳаббат».
III
18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.25 — 21.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.35 «Лицедейлар». Телефильм.
*
22.00 — 22.30 Россия давлат телевидениеси.
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Филипп Киркоров ҳузурида меҳмонда».
23.40 — 23.50 «Муздаги жилолар». Манзарали телефильм.
IV
9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 Эълонлар.
10.25 «Клип-антракт».
10.30 «Комедиантлар».
10.50 «Рақслар қанотида».
11.20 «Клип-антракт».
11.45 — 13.15 Кинонинг олтин асри. «Зорроннинг катта саргузаштлари».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.35 Кинонинг олтин асри. «Синьор Робинзон». Бадиий фильм.
21.50 «Беш дақиқа ўзинг учун».
21.55 «Спектаклдан сунг».
22.20 «Комендиантлар».
22.40 «Ассалом, Франция!».
23.10 Эълонлар.
23.15 «Хит-коллекция».
23.35 «Жиллет-спорт».
00.05 «Бу ажиб дунё».
00.25 Эълонлар.
00.30 — 00.40 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 29

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Аёл борки, олам мунаввар...». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Яшил чирок». Телемусобақа.
12.30 «Ташриф». Дам олиш дастури.
13.10 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 22-кўй.
13.50 «Ўзбекистон спорти».
14.10 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
15.10 — 15.40 Эстрада қўшиқлари.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар, ёки...».
18.15 «Уйимдаги бегона». Бадиий фильм. 2-серия.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Тилаклар». Янги йил интервьюлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Мусиқа салтанати».
21.50 «Шахс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 23-кўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».
II
9.00 «Мультдаста».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
9.40 «Театр ҳақида ўйлар».
10.00 «Жозиба».
10.10 «Зиндаги ёвуз муҳаббат».
10.35 Видео—«О».
12.15 — 14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Боланинг тили...».
18.35 «Мульти-пульти».
19.00 «Мусиқий майдонча».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Олқиш».
20.20 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Табиат шифохонаси».
21.15 «Таманно».
21.30 Ўзбекистон радиосининг 70 йиллиги олдидан. «Эҳтиром».
21.45 «Ана шунақа». Юмористик кўрсатув.
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 Видео—«О».
00.20 Дастур ниҳояси.
III
16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
16.55 — 22.55 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.55 Эълонлар.
23.00 — 23.05 «Панорама».
IV
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.45 «Афсоналар ва ҳақиқат». Ҳужжатли фильм.
13.25 «Иштирок этувчилар».
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. Акиро Куросаванинг «Кугемуша» фильми.
16.35 Эълонлар.
16.40 «Сенинг вақтинг».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси..
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.30 «Кинопрофи» Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
20.00 «ТВ IVда етти кун» (рус тилида).
20.15 Эълонлар
20.20 «Биргаликда куйлайлик».
21.20 Киносалон. Акиро Куросаванинг «Ран» фильми.
23.30 «Голливуд-рок».
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

(Газетанинг навбатдаги сони 26 декабрь, пайшанба куни чиқади).

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси концерн босиш цехининг бошлиғи Шорустам Шотурсуновга онаси **МАРЯМ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Шунақасиям бўлади

ҲАЙДАЛГАН ҚЎШИҚЧИ

ФИЛ СУЯГИ ҚИРҒОҒИ. Обиджонлик маҳаллий аҳоли табиатан худбин опера қўшиқчиси ҳақида турли миш-мишлар тўқишган. Балки шов-шувларга қўшиқчининг ғалати феъл-атвори, такаббурлигиям сабабчи бўлгандир.

Обиджонга яқин қишлоқлардан бирида яшовчи «машҳур дилозор қўшиқчини» ўз ҳамюртлари ҳайдаб солишди. Чунки у кулбаи вайронасида қишлоқдошларига тинчлик бермай туни билан «куйлаб» чиқди. Тунги соат учларداям, айни одамлар ширин уйқуга кетганда қўшиқчи операдан ариялар ижросини бошлаб юборарди.

Қишлоқдан ҳайдалган операчи барибир йўл-йўлакай ҳам куйлаб бораётганмиш. У ҳақдаги миш-мишлар шу тариқа яна давом этяпти.

Аломат дунёнинг аломат гаплари

АНҚО ИСТАГАН НАМОЙИШЧИЛАР

Вашингтон. Оқ уй қаршисидаги ғалати намойишчиларнинг талабини ҳалигача ҳеч ким англаб етмади. Яқинда 100 нафар оломон саф тортиб, Оқ уй олдидан жим-жим, ҳеч қандай талабнома битилмаган оппоқ транспарант-тахтачаларини кўтариб ўтишди. Улар у ёққа-бу ёққа ўтиб, бир неча минутдан сўнг, тўс-тўполонсиз ими-жимида тарқаб кетишди. Мақсадлари нима ўзи? Ўзлари ким?

Ҳеч ким тушунмади. Сўнг унутиб қўя қолишди. Оқ уй олдидаги бу «юришчилар» ўзлариям нимани истаганини билишмасмикин? Уларга анқонинг уруғи керак, чамамда.

«ҒАЛАТИ» ҚОНУН

Тайвандаги бу янги қонун бизга сал ғалатироқ туюлиши мумкин. Агар Тайванга борганда супермаркетдан 10 хилдан ортиқ маҳсулот харид этсангиз экспресс-тармоқ (автомат кузатувчи) «ушлаб» қолиши турган гап. Бу харид сизга анча қимматга тушиши мумкин. Қонунбузарга эса 10 кун қамоқ жазоси белгиланган.

— Ана шундагина харидор фақат ўз эҳтиёжини эмас, ўзгалар талабини ҳам инобатга оладиган бўлади, — дейди полиция вакили. — Агар харидор бунга амал қилишни истамаса, ҳатто, қамоқ жазоси билан мажбурлаб бўлса ҳам қонунга бўйсундиришга мажбур бўламиз.

ЗАМОНАВИЙ ТАРМОҚ

Ахборот технологиялари олами

ВИРТУАЛ ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ

Сиқиқ магистраль принципини амалга оширувчи замонавий тармоқ қурилмалари локал тармоқлар бошқаруви ва хавфсизлигини янада оширишни таъминлаш учун, шунингдек тармоқ графиги ҳажмини бошқариш вазифаларини ҳал этиш учун берк, ишчи станциялари ва бошқа тармоқ қурилмаларнинг бир-биридан алоҳида бўлган мантиқий гуруҳларини яратиш имкониятига эга. Улар одатда виртуал ишчи гуруҳлари деб аталади.

Бундай гуруҳларни яратиш ҳар бир тармоқ қурилмасининг фақат рухсат этилган тармоқ узеллари (ишчи станциялари, серверлар ва ҳоказолар) билан ҳамжиҳатлик имкониятини таъминлайди. Бундай имконият ақлий тармоқ қурилмасида (коммутатор)да амалга оширилади, у ҳар бир портга келаётган тармоқ пакетларини таҳлил этади ва уларни манба билан бирга ягона виртуал ишчи гуруҳини ташкил этувчи қурилмалар уланган портларгагина узатилишини таъминлайди.

ТАРМОҚ БОШҚАРУВИ

HPSN стратегиясининг асосий принципларидан бирини Transcend тармоқ бошқаруви интеграциялашган дастур маҳсулотларини қўллаш ташкил этади. Маҳсулотлар маълумотларида ўрин олган бошқарув архитектураси алоҳида жисмоний тармоқ қурилмаларига ёйилибгина қолмай, балки муайян ишчи гуруҳи, бино, бинолар гуруҳи, олисдаги филиал ёки жаҳоншумул тармоқни ташкил этувчи мантиқий тизимларни бошқаришга имкон беради. Маъмур юзлаб сочилиб кетган дискрет қурилмаларидан олинган ахборотни тўплаш ва таққослаш ўрнига тармоқ узелларининг мантиқан боғланган гуруҳларини бутун бир яхлитликда бошқариш имкониятига эга бўлади. Transcend ойласи иловаси тармоқ бошқаруви тизимлари учун кўпгина машҳур платформаларда, шу жумладан Sun Net Manager (Sun Microsystems) Open View (Hewlett Packard) ва Netwiew/6000 (IBM)да ишлатилмоқда.



HPSN СТРАТЕГИЯСИГА ЎТИШНИНГ АСОСЛАРИ

3Com компанияси ишлаб чиққан ўтиш стратегияси бутун тармоқдаги эволюциядир. Айни чоқда тармоқ соҳаларининг бирида янги функционал имкониятлар қўшилади, улар бошқа соҳаларда фойдаланилаётган асбоб-ускуналар билан қўллаб-қувватланиши таъминланган. 3 Com кампанияси ушбу ўтиш жараёнини таъминлаш нуқтаи назаридан нодирдир, зеро у ҳар қандай даражадаги тармоқлар локал ишчи гуруҳларидан тортиб магистраль корпорациялар ва олисдаги ҳаражатчан фойдаланувчилар учун маҳсулотлар чиқаради. Ҳозирги вақтда 3 Com компанияси етказиб бераётган барча қурилмалар кенгайиш имкониятларига эга бўлиб, янада юксак унумли тармоқларга утишга имкон берган ҳолда ҳозирда ҳам, келажакда ҳам қилинган сарфланган маблағ сарфларини сақлайди, бу ҳозирги вақтга ҳам, келажакка ҳам тааллуқли.

ТАРКИБИЙ КАБЕЛ ТИЗИМЛАРИ

Охирги йилларда, ахборотни қайта ишлаш ва уни узатиш технологияси жадал ривожланиши муносабати билан кабель тизимларини қуриш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор. Асосийларидан бири, охирги йилларга қадар тармоқлар ҳозиргидагига қараганда ўртача жуда кичик ўлчамларга эга эди. Ўтказиш қобилияти юқори бўлмаган кичик тармоқларни ташкил этиш учун ингичка коаксил кабель негизида яратилган оддий кабель тизимлари етарли эди. Иккинчи сабаби шундаки, ИВС лойиҳачилари кабель тизимларни тизимнинг қандайдир ёрдамчи элементи сифатида баҳолаб, уларни ривожлантиришга етарли эътибор бермасдилар.

Тармоқда ўзгаришларни шундай ташкил этиш ҳисобига тузилган кабель тизимларини қуриш асослари ANSI EIA/TIA — 568A андозасида тавсифланган. Ҳозирги вақтда кўрсатилган андоза негизида кабель тизимлари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилари бўлмиш етакчи компаниялар томонидан фирма андозалари яратилган. Бу андозалар тузилган кабель тизимларини улар ишлаб чиқараётган асбоб-ускуналар негизида амалга оширишни тавсифлаб беради. Улар орасида кабель тизимлари учун асбоб-ускуналарнинг йирик таъминотчиларидан бири ҳисобланган Mod-Tap компаниясининг System 100 тизими бор.

Бино тузилган кабель тизими чизмаси расми ҳавола этилмоқда.

ANSI EIA/TIA-568A андозаси негизида автоматлаштирилган объект кабель тизими тузилиши, ўрама жуфтлик ва толали оптика негизида кабель муҳитидан тозаланишни ўз ичига олган замонавий технологияларни қўллашга асосланган ишончли инфраструктурани яратишга имкон беради. Кўрсатилган кабель тармоғини амалга ошириш 10-15 йил мобайнида ўзгаришларсиз ундан фойдаланиш муддатини таъминлайди.

Кабель тизимлари билан боғлиқ вазият охирги 5-6 йилда тўбдан ўзгара бошлади, бунга тармоқлар қўлами ва унумдорлиги ошиши уларни ҳисоблаш тизимларининг муҳим элементларидан бири сифатида тан олишга мажбур этганлиги сабаб бўлди. Тармоқ комплекслари сингари кабель тизимлари ҳам мураккаб организмга айланди. Кабель тизимларини муваффақиятли амалга ошириш эса уларни таҳлил этиш ва лойиҳалаш методологиясини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Шу тариқа тузилган кабель тизимлари концепцияси дунёга келди ва кенг тарқала бошланди. Ҳар бир янги такомиллаштириш ҳисобига маблағ сарфлашдан катта самара олиш мумкин.

Шавкат АЗИМОВ,
техника фанлари номзоди.
Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми келгуси шанбада).

(Боши газетанинг 23, 30 ноябрь ва 14 декабрь сонларида).

"ТАРМОҚ АКАДЕМИЯСИ"
Novell, Microsort, SCO ва IBM нинг Муаллифлаштирилган Ўқув маркази ахборот технологиялари соҳасида юксак малакали мутахассисларни тайёрлайди.

ДИСТРИБУЦИЯ
Novell Inc, Microsort, IBM Corp., American Power Convertion, Hewlett Packard, Seiko Epson Corp., AST Research Inc., 3Com, ZyXEL каби ахборот технологиялари соҳасида ишлаётган жаҳондаги 30та энг йирик ишлаб чиқарувчиларнинг дистрибьютери ва ҳамкори ҳисобланади.

АЛОҚА ВА ЭЛЕКТР АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ТИЗИМЛАРИ
Энг янги технологиялар асосида алоқа ва электр асбоб-ускуналари тизимларини лойиҳалаш ҳамда яратишни таъминлайди.

ЛАНИТ-ТА

ТИЗИМЛИ ИНТЕГРАЦИЯ
Мураккаб тармоқли тизимларни яратишга йўналтирилган.

МОЛИЯВИЙ ВА ОФИС ТИЗИМЛАРИ
Йирик корпоратив мижозлар учун ахборот тизимларини лойиҳалайди ва яратади.

"ЛАНИТ - КОНДИ" -ҲАВОНИ КОНДИЦИОНЕРЛАШ ТИЗИМЛАРИ
Ҳавони кондиционерлашнинг ишончли юксак сифатли тизимларини таклиф этади.

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ
Замонавий ахборот технологиялари асосида офис тўлов тизимларини ишлаб чиқади.

ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНМАСИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
Ҳужжатларни ва ҳужжат айланмасини бошқариш учун комплекс ечимлар ишлаб чиқади.

"ЛАНИТ-ТА" ҲЖ, 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 95.
Телефон/факс: (3712) 33-20-99, 30-45-36. E mail: inro@vealine. gimli. com
"ЛАНИТ" ҲЖ, Москва, Доброслободская кўчаси, 5.
Телефон: (095) 267-3038. Факс: (095) 216-5781. E - mail: lanit@lanit. msk. su WWW: http:// www. lanit. msk. su/